



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 30 ноябрь, шанба

№95 (11.483)

Эркин нархда сотилади

## МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### янги ҳоким тасдиқланди

Гулистон шаҳрида 28 ноябрь куни халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Алишер Исроилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси лавозимда ишлаб келаётган Равшан Ҳайдаров вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

### АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Афғонистон ташки сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдулла Абдулла Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Икки томонлама алоқалар, гийҳванд моддаларнинг гайриқонуний айланиши, халқаро террорчилик ва диний экстремизмга қарши курашда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, фарб давлатлари, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан Афғонистонга юборилаётган инсонпарварлик ёрдами юқларини Термиз порти орқали ўтказишни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

### ИЛК БИЗНЕС-ФОРУМ

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ишбилармон ва тадбиркорлари доиралари биринчи бизнес-форуми иштирокчилари ва меҳмонлари мурожаат қабул қилишди. Унда минтақавий ҳамкорликни қонунчилик ва меъёрий асосларини такомиллаштириш соҳасида, қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, транспорт инфратузилмасини янгилаш ва халқаро тизимлар билан алоқаларни чуқурлаштириш масалалари юзасидан ҳамжихатликка эришилганлиги таъкидланди.

### КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси арафасида Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Оила кодекси васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятига тааллуқли қоидаларнинг Фарғона вилоятида бажарилиши кўриб чиқилди.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

### Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмалари томонидан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари ҳисобланади:
  - аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ички бозорда сотилаётган истеъмол товарларининг зарур сифатини ва хавфсизлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бошқа талабларини таъминлаш мониторингларини ўтказиш;

аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат қилувчи органлар билан биргаликда иш олиб бо-

риш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш.

2. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг ташкилий тузилмаси ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси тўғрисидаги;

бир ой муддатда туман ва шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари конференцияларини ҳамда икки ой муддатда - ҳудудий ва республика конференцияларини ўтказиш тўғри-

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

# АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ТАМОЙИЛИ

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўли билан муносиб ўрин топди ва эътироф этилди. Мамлакатимизда демократик, ҳуқуқий адолатли жамият қуриш, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш олий мақсадлардан бирига айланди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида ана шу олий мақсадни амалга ошириш йўлида асрга татигулик ишлар ҳам қилинди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Сўзсиз, бу эзгу-орзуларимизнинг ҳуқуқий тамойилларини асосий қомусимиз — республикамиз Конституцияси яратиб берди.

Маълумки, ҳар бир фуқаро кундалик ҳаётида Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез мурожаат этишига тўғри келади. Унга ўзининг таянчи ва суюнчи деб қарайди.


Дарҳақиқат, Конституцияимизнинг ҳаётимиз ривожига, Ватанимиз ва халқимиз тақдирини кундан-кунга аҳамияти ортиб бораётганлигини ҳеч ким инкор этмайди. Унинг ҳар бир моддаси чуқур мазмунга эга бўлиб, уни кексаю-ёш пухта ўрганиши, билиши лозим. У ҳуқуқий фанлар алифбоси ҳисобланади.

Республикамиз Конституцияси инсон ҳуқуқларига, истиқлол ва ижтимоий адолат, инсонпар-

варлик, демократия ғоялари, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларга содиқлик, келажак авлод олдида масъулиятни ҳис этиш, ўзбек миллий давлатчилиги, таърибалари аъналарига таяниш, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш, халқимизга муносиб ҳаёт, тинчлик, миллий тотувлик ва барқарорликни таъминлаш каби мақсадлари билан ғоят аҳамиятлидир.

Шуниси эътиборлики, Конституция қабул қилинган кундан тўбора узоклашганимиз сари, унинг салоҳияти ва улғуворлиги, ҳаётийлиги янада ёрқин намоён бўлиб бормоқда.

Қомусимизнинг 37-моддасида ҳар бир шахсга меҳнат қилиш, ўз



эркига кўра касб танлаш, инсон муносиб иш шароитларида ишлаши ҳамда унинг ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Ушбу ҳуқуқлар ифодасини топган конституциявий меъёрларни ривожлантириш ва уларни амалга ошириш учун аниқ механизмни яратиш мақсадида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Меҳнатни

(Давоми 2-бетда).

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ЎЗАРО ФИКР АЛМАШДИЛАР

Оҳангарон шаҳрида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда маҳаллалар фаоллари, хотин-қизлар кўмиталари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарлари, кўп болали оналар иштирок этишди.

Йиғин иштирокчилари хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, аёл ва саломатлик, никоҳ ва ажримлар, хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари, ахлоқ ва маънавият масалаларига доир ахборотлар тинглашди, ўзаро фикр алмашишди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджоновна сўзга чиқди.

### ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ

Олмалиқ шаҳрида узлуксиз ҳуқуқий таълим-тарбия дастури асосида ўқувчи ёшларга ҳуқуқий билим кўникмалари чуқур сингдириляпти.

Бу борада «Конституция сабоқлари» махсус курсининг машғулотлари яхши самара бераёпти. «Конституциямиз — Бахтимиз» мавзуида уч босқичдан иборат танлов ўтказилди. Унда ўз иқтидорларини намоён этган 13-ҳамда 16-ўрта мактабларнинг ўқувчилари голиб деб топилди.

### БОЛАЛАР УЙИ МЕҲМОНЛАРИ

Қибрай туманидаги ногирон болалар уйида хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти «Ҳамдўстлик» клуби ҳамкор давлатларидан бири — Малайзия элчихонаси вакиллари бу ерда тарбияланаётган болаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар топширишди.

## «ТОШКЕНТ-ҲАҚИҚАТИ»

# ҲАМИША СИЗ БИЛАН!

Севишли газетангиз бундан буюн ҳам доимий, ишончли ҳамроҳингиз бўлиб қолиши учун унга ўз вақтида обуна бўлишни унутманг. Бизнинг индекс — 205.

Доимо бирга бўлайлик, азизлар!

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

# Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора- тадбирлари тўғрисида

сидаги таклифларига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари конференцияларини ўтказишга доир ташкилий масалаларни ҳал этишда зарур ёрдам кўрсатсинлар.

Белгилансинки, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ижро этувчи аппарати, туман, шаҳар жамиятлари, шунингдек уларнинг ҳудудий бирлашмалари ижро этувчи аппаратларининг таъминоти ҳар ойлик аъзолик бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

3. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш ташкил этилсин.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ишлари самарадорлигини оширишга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузурда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан солинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нархларни бошқариш жамғармасига ўтказиладиган жарималарнинг 50 фоизи, шунингдек халқаро ташкилотларнинг, Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва jisмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузурда Истеъмолчилар ҳуқуқлари-

ни ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ҳўжалик юритувчи субъектларга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўйидаги қўпол равишда бузилишлари учун олдиндан ёзма кўрсатма бермасдан жарима солишига руҳсат берилсин:

истеъмолчилар (ишлар, хизматлар) қиймати кўрсатилган, товарнинг харид қилинганлигини ёки ишларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи касса, товар чеклари ва бошқа ҳужжатларни бермасдан товарлар сотиш ёки хизматлар кўрсатиш;

яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки яроқлилик муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиш ва сотиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги: истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотларига товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини сертифициклаш ва экспертизадан ўтказиш натижалари тўғрисида ахборот олишда зарур ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, санитария соҳасидаги қонун ҳужжатлари, давлат стандартлари ва сертифициклаш қоидалари талабларига риоя этилишини текшириш ишларига истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари вакилларини жалб қилсинлар;

истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари тақдимномаларига кўра товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ҳавфсизлик талабларига мувофиқлигини ўзларига қарашли лабораторияларда уларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда сновдан ўтказсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш билан биргаликда 2003/2004 ўқув йилидан бошлаб белгиланган тартибда республиканинг барча таълим муассасалари дастурларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича махсус курсларни киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

адвокатлик идораларининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамия-

ятлари федерациясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлиналари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминласин; манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хоржий инвестициялар департаменти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятининг асосий йўналишларини амалга ошириш учун халқаро молия ташкилотларининг грантларини жалб этишда қўмақласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига уларнинг уставдаги вазифаларини ҳал этишда қўмақласинлар ҳамда Федерация марказий аппаратини, ҳудудий бирлашмаларни, туман ва шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларини бир ой муддатда:

ижара шартларида, ижара ҳақи ундирмасдан ва коммунал хизматларга имтиёзли тарифлар бўйича ҳақ тўлаган ҳолда хоналар билан;

ўз маблағлари ҳисобига мебель ва зарур техника воситалари билан таъминласинлар.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзтелерадио" компанияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан биргаликда: истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг туман, вилоят ва республика конференциялари кенг ёритилишини таъминласинлар;

телевидение ва радиоканалларда, даврий матбуот нашрларида "Истеъмолчи" рўқни ташкил этилишини таъминласинлар, унда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолиятини, бу соҳадаги муаммолар ва камчиликлар ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларни, истеъмол маданиятини ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича аъноаларни кенг ва мунтазам ёритиб боришни назарда тутсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А.Баҳромов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 28 ноябрь.

**И.Каримов**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) республикамиз халқ ҳўжалигининг бозор иқтисодиёти шароитига ўтишига яқиндан ёрдам бериб келаётган, ўзининг инвестициялари билан иқтисодиётнинг кўпчилик соҳаларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётган халқаро ташкилотлардан ҳисобланади.

ЕТБ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан ўн йил илгари, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки вақтлардан бошланган эди. Шу давр мобайнида республикамиз халқ ҳўжалиги тармоқларига ЕТБ томонидан 720 миллион евро қўйилди. ЕТБ яқин келажакда яна 100 миллион евро ҳажмидаги маблағни турли соҳалар бўйича тузилган янги лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун сарфлашни назарда тутмоқда.

Кеча «Интерконтинентал» меҳмонхонаси-

да бўлиб ўтган матбуот анжуманида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жанн Лемьер Ўзбекистонга навбатдаги ташрифидан асосий мақсадлари ҳақида гапирар экан, республикада таркиб топган инвестиция, иқтисодий ва ижтимоий муҳитни чуқур ўрганиш, шунингдек, ЕТБ бошқарувчиларининг ҳар йилги йиғилишини келаси йили Тошкентда ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишларининг бориши билан танишишдан иборат эканлигини айтди.

## «КЕЙС-НЬЮ- ҲОЛЛАНД»НИНГ АЖОЙИБ ТЕХНИКАСИ

"Кейс-Нью Ҳолланд" - жаҳоннинг қишлоқ ҳўжалик техникаси ишлаб чиқарадиган машҳур компанияларидан бири. У 1892 йили АКШнинг Висконсин штатида ташкил этилган.

У уч йил муқаддам "Кейс корпорэйшн" ва "Фиат" гуруҳига кирувчи "Нью Ҳолланд" компаниялари бирлашиши натижасида қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари доирасида компания билан ҳамкорлик қирралари тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз ҳукумати билан компания ўртасида 1996 йили узок муддатли ҳамкорликка мўлжалланган битим имзоланган. Ҳозир юртимиз далаларида мазкур компанияда ишлаб чиқарилган беш мингдан ортиқ техника ишлаб турибди.

Шу йилнинг февралда Президентимиз Ислон Каримов "Кейс-Нью Ҳолланд" компанияси президенти ва ижрочи директори Паоло Монферино ва мазкур компания директорлар кенгаши раиси Жан Пьер Россони қабул қилган чоғида ўзаро шерикчилик муносабатларини янада ривожлантириш, мамлакатимизга компаниянинг ишончли, юқори унум билан ишлайдиган гидромегиоратив ва йўл-қурилиш техникасини келтириш хусусида фикр алмашилган эди.

"ЎзКейсМаш" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида "Кейс-Нью Ҳолланд" компаниясида тайёрланган турли механизм, трактор, комбайн, гидромегиоратив ва йўл-қурилиш техникаси кўргазмаси ана шу мақсадда ташкил этилди.

Кўргазма 30 ноябрга қадар давом этади.

**Олим НОРБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

# АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ТАМОЙИЛИ

публикаси қонунлари, Фуқаролик, Меҳнат кодекслари ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда амалда бўлган меҳнат қонунчилигига доир ҳужжатлар мазмуни Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти томонидан меҳнат ҳуқуқига оид қабул қилинган умумий тамойилларга содиқ эканлигини кўрсатади. Қонун меҳнат қилиш билан боғлиқ муносабатлар иш берувчи ҳамда ходим ўртасидаги келишув асосида вужудга келишини белгилайди.

Меҳнат Кодексининг 58-моддасида ҳар бир шахсга иш танлаш

эркинлигини, ишга қабул қилиш қонунга хилоф равишда бекор қилишдан ҳимояланишни, ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш, меҳнатга ҳақ олиш, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни кафолатлайди.

Дунё таърибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси ескинлашиб, ишсизлар сони ўсиб боради. Мамлакатимизда ишсизликнинг ўсишига йўл қўймаслик бўйича


махсус тадбирларни амалга ошириш мақсадида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Меҳнат таътиллари берилиши қонун-қоидалари ҳам Конституциянинг 38-моддасида аниқ ва лўнда белгилаб берилган.

Ўрни келганда яна таъкидлаш жоизки, давлатимиз олдидаги асосий вазифалардан бири жамиятимиз аъзосини ижтимоий ҳимоя қилишдир. Ижтимоий ҳимоялаш бевосита Конституция билан боғлаб қўйилган бўлиб, унинг 39-моддасида киши қариганда, меҳнат

лаёқатини йўқотганда, боқувчидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга эканлиги ўз ифодасини топган.

Биз демократик одил жамият қурмоқчи эканмиз, адолат мезони — Конституция устуворлигини таъминлашимиз даркор. Шундагина баркамоллика эришамиз. Буюк файласуф Арасту айтганидек, «Баркамолликка эришган одам, барча жонзотлардан юқори туради, аммо, агар у қонун ва адолатга бўйсунмай яшаса, ҳаммасидан тубандир». Демак, ҳаётимиз, ҳатти-ҳаракатларимиз мезони адолатли бўлмоғи зарур. Бу йўлда бизга мустақил Ўзбекистон Конституцияси ҳамisha дастуриламалдир.

**Дилафрўз ШАРИПОВА,  
Тошкент Давлат юридик  
институтининг магистранти.**



муҳофаза қилиш тўғрисида», «Дехқон ҳўжалиги тўғрисида», «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»-ги каби қатор Ўзбекистон Рес-

(Давоми. Боши 1-бетда).

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни

# «УМР»НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

**Айни вақтда ногирон болалар даволаниб, тарбияланаётган бу масканга ёрдам ва эътибор керак**

— Бизнинг мақсадимиз — ҳар бир ўсмир ҳеч бир ўқисиз, меҳр-шафқат кўриб улғайса, — дейди Тошкент вилоят фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш «УМР» жамоатчилиги марказининг раиси, тиббиёт фанлари номзоди Валижон Шомаҳмудов. — Тугма ногирон болалар ҳам жамиятимизнинг фарзандлари. Бинобарин, уларга оқибатли бўлиш, соғлиқларини тиклаш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

Бугунги кунда Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида 16 мингга яқин махсус эътиборга муҳтож ногирон болалар ва ўсмирлар бор. Ёлғиз Чирчиқ шаҳрида улар 500 дан ортиқ. Шуни назарга олиб, руҳасаб касалликларини даволовчи тажрибали шифокор Валижон Шомаҳмудов саъй-ҳаракати билан 2000 йилнинг эзида Чирчиқ шаҳрида махсус марказ очилди. Уни яхши ният билан «УМР» деб номлашди. Унинг низомида белгиланган мақсад ва вазифалар бугун ниҳоятда

зарур ва фойдали. Шу йилнинг 6 май куни «УМР»нинг тақдироти ҳам ўтказилди. Унинг иштирокчилари бу шифо ва машқ масканида амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар режаси билан таъинирилди.

— Биз маҳаллий мутахассислар, тегишли муассасалар ва ота-оналарнинг ҳаракатларини бирлаштириш ниятидамиз, — давом этади Валижон Шомаҳмудов. — Фалаж ногирон болалар соғломлаштиришнинг хорижий тажрибасини ўрганиб, маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш билан ҳам шуғулланамиз. Ногирон

болаларни касбларга ўргатиш, меҳнат жамоаларига кiritиш орқали жамиятга қайтариш, уларнинг ота-оналарига ҳам тиббий-тарбиявий билим бериш — фаолиятимиз йўналишлари ана шундай кенг ва серқирра.

Чирчиқ шаҳридаги бу марказда руҳшунос суҳбатлари, махсус ўқувлар расм бўлиб қолди. Никоҳдан ўтиб, оила куриш олдидан шуғулланиш учун «УМР» қошида психология хонаси ҳам ишлаб турибди.

Бугун «УМР»га нафақат Чирчиқ ёки вилоят шаҳар-туманларидан, балки республиканинг бошқа ҳудудларидан

ҳам муружаатлар тушмоқда. Айни вақтда марказнинг фаолиятини тўлақонли ташкил этиш ва янада ривожлантириш учун айрим муаммоларни ҳал этиш зарурати ҳам бор.

Аввало, бу марказ учун шаҳарнинг Навоий кўчасидаги уйнинг биринчи қаватидан ажратилган хоналарни замонавий ускуналар билан мукамал жиҳозлаш лозим. Тўғри, шаҳар корхоналари, тадбиркорлар муайян ёрдам кўрсатишяпти. Уларнинг моддий-моявий кўмаги билан дастлабки қадамлар қўйилди.

— Бироқ, бошланган хайрли ишлар яна ҳам кенгайиб бориши учун марказимизга доимий ёрдам зарур, — дейди суҳбатимиз пировардида Валижон Шомаҳмудов. — Шу сабаб биз бугун вилоятимиз ишбилармон ва тадбиркорларига, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига муружаат қилиб, ногирон ва ёрдамга муҳтож болалар муолажа қилинадиган, тарбияланадиган марказга озгина эътибор ва кўмак беришларини истар эдик. Зеро, улар ҳам сиз ва бизнинг фарзандларимиз.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

«УМР» марказининг ҳисоб рақами: **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият-миллий банкининг Чирчиқ филиали.**  
20212000104060588001,  
МФО 00919.

## ЖАЖЖИ ЧЕҲРАЛАРДАГИ ТАБАССУМ

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими Оққўрғон туманидаги 78-махсус интернат тарбияланувчилари учун хайрия концерти уюштирди.

«Соғлом авлод гунчалари» гуруҳининг кўшиқ ва рақслари болаларда катта таассурот қолдирди.

Шу куни «AMBULANCE» шифокорлари тарбияланувчиларни тўлиқ тиббий кўрик-

дан ўтказиб, дори-дамонлар тарқатишди.

Халқаро ногиронлар куни арафасида интернат болаларига «Aylin» компаниясининг совға-саломлари ҳам топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

## «Ватанпарвар»

# КЕНГАШ ПЛЕНУМИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил октябридаги «Ўзбекистон Республикаси автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш (малакасини ошириш), имтиҳондан ўтказиш ва уларга миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Бу хусусда вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Исоқжон Фозиловнинг маърузаси тингланди.

Асосий эътибор халқ хўжалиги ва қуролли кучлар учун ҳайдовчилар тайёрлашни тубдан яхшилаш, автомобил мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, курсантларнинг маънавий тарбияси масалаларига қаратилди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгашининг раиси Абдулазиз Абдуқаҳоров пленумда сўзга чиқди.

Анжуманда муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

## Тадбир

# ЧАҚҚОНЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент туманидаги Дендрабоғда Қизил Ярим Ой жамияти вилоят Кенгаши, вилоят фавқулодда вазиятлар ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамкорликда санитария дружиначиларининг беллашувини ўтказди.

Саккиз туман ва уч шаҳардан ташриф буюрган 24 нафар қатнашчи фавқулодда рўй берган воқеалар жабрланувчилари-



га биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Кизгин ўтган мусобақада Чирчиқ шаҳридаги «Электромасаноат» корхонаси санитария дружиначилари гуруҳи биринчи, Қибрайдаги «ТошГРЭС» вакиллари иккинчи ва Тошкент туманидаги ўрмон хўжалиги илмий-текшириш институти жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Ғолибларга совринлар, мусобақа қатнашчиларига эсдалик совғалари топширилди.

**СУРАТЛАРДА: беллашувдан лавҳалар.**

**Даврон АХМАД олган суратлар.**

# Соф технологиялар — ишлаб чиқаришга

XXI асрда фан ва техниканинг шиддат билан ривожланиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Айтиш жоизки, қора ва рангли металлургия саноати, кимё, газ ва нефт ишлаб чиқариш, энергетика сингари соҳалар инсониятнинг кундан-кунга ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш баробарида атроф-муҳит му-

саффолигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Шу боис, бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга етказадиган зарарини камайтириш, барқарор ривожланишни таъминлашга эри-

шиш йўллари изламоқда.

Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ЮНИДО билан ҳамкорликда соф ишлаб чиқариш жараёнларини ҳаётга татбиқ этиш дастури ишлаб чиқилган. Корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва атроф-муҳитга етказиладиган салбий таъсирларни камайтириш мазкур дас-

турнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Қўмита ҳузурдаги Соф ишлаб чиқариш миллий маркази томонидан ушбу мавзуга бағишланган семинарлар ўтказилди. Бундай тадбирларда бир қанча ишлаб чиқариш корхоналари мутахассислари иштирок этди.

**Ў.А.**

## Ўқувчиларга — ҳуқуқий билимлар

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг ҳуқуқий маърифат тарғиботи минтақавий бўлими республика ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази билан ҳамкорликда Янгийўл шаҳридаги 4 ва 16-ўрта мактабларда давра суҳбати ўтказди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясида Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида илгари сурилган масалалар теварагида фикр алмашув бўлиб ўтди. Ўқувчилар Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш йўлида амалга ошириладиган ишлар ва суд-ҳуқуқ ислохотларига доир маърузаларни, айниқса қизиқиб тинглашди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Ўз уйингни — ўзинг асра

Олмалик шаҳрининг «Хонобод» маҳалласида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, халқ таълими ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимларининг вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, шаҳар имом хатиби иштирокида «Ўз уйингни — ўзинг асра» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда коллеж талабалари, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этдилар.

Жинойatchиликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик, диний ақидапарастлик, ҳушёрлик хусусида мунозаралар бўлиб ўтди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.**

## «ЛОЧИНБЕК» ИШГА ТУШДИ

Ангреннинг 31-даҳасида жойлашган кўп қаватли уй-жойлардан бирининг ертўласи қаровсиз ҳолда ётарди.

Эр-хотин тадбиркорлар Шаҳодат Саидова ва Абдуваҳоб Ортиқовлар унда дўкон очиш мақсади лари борлигини билдиришганида ҳар томонлама қўллаб-қувватландилар. Ишбилармонлар уни ҳамма чиқиндилардан тозалаб, сифатли таъмирладилар.

Куни кеча бу ерда барпо этилган дўкон — «Лочинбек» нинг очилиш маросими бўлди. Шу туфайли бу даҳада истиқомат қилувчиларга қулайлик яратилди.

Тадбиркорлар дўкон ёнида қажвахона очишни ҳам режалаштиришган. Шундай қилиб бу ерда ўнга яқин ишчи ўрни яратилди.

## Dushanba

2

## «Ўзбекистон» телеканал

5.30 «Рамазон тухфаси».

5.50 «Биби Убайда». Телефильм.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.45 «Тахлилнома».

8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

9.25 «Муסיқамиз хазинасидан».

9.45 «Тўртинчи ҳокимият».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар

10.05 «Акаиро». Мультифильм.

10.25 Кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари». Республика турнири.

10.55 «Тавоис» ансамблининг концерти.

11.20 «Виждон».

Телесериал. 5-қисм. **Болалар сайёраси:** 12.05 1. «Санъат гунчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйини.

13.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».

13.25 «Ошин». Телесериал.

13.55 ТВ анонс.

14.10 «Талабалик йилларим».

14.30 Кундузги сеанс: «Мафусаил». Бадийий фильм.

16.20 ТВ клип.

16.30 «Ислоҳот одимлари».

16.40 «Рамазон тухфаси».

17.00 «Қалб гавҳари».

17.20 «КиноТеатр».

17.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.

18.10 «Мулк».

18.25 «Одил судлов - инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати».

18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.15 «Олтин мерос».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.

21.30 2002 йил - Қарияларни кадрлаш йили. «Париси бор уй».

21.50 «Рамазон тухфаси».

22.10 «Спорт, спорт, спорт».

22.25 «Новий уммон қаҳрида». Телесериал.

23.15 «Ахборот-дайжест».

23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**

Профилактика муносабати билан, душанба 2 декабр куни «Ёшлар» телеканал кўрсатувлари соат 15.30да бошланади.

15.30 Кўрсатувлар дастури.

15.35 «Давр» ҳафта ичида.

16.05 Кўҳна оҳанглар.

16.15 Спорт ҳафтанома-си.

16.30 «Полиция комиссари». Телесериал.

17.20 «Янги авлод» почтаси.

17.40 Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультисериял премьераси. 11-қисм.

17.50 Дунё ажойиботлари.

18.10 Куёшли юрт одамлари.

18.25 Тафаккур ёлқинлари.

18.40 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Кўҳна оҳанглар.

19.50 Ёшлар овози.

20.10 Дийдор.

20.30 Муҳаббат кўшиқлари.

20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар

20.55 «Эсмеральда». Телесериал.

21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:

23.55 Давр.

1.00 -1.05 «Хайрли тун!»

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 25-қисм.

17.45, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 Болажонлар экрани.

18.30, 20.00, 21.10, «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».

19.30 «Жозиба».

19.40 «Хуқуқимиз кафолати».

20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».

21.30 «Хусусийлаштириш кадам-бакадам».

22.10 Пойтахт шарҳи.

22.35 Кинонигоҳ «Виллада».

00.20-00.25 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ 17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.

17.50 «Вести».

18.05 «Евроњьюс» янгликлари.

18.20 «Ҳазил кетидан ҳазил».

19.00 «Мени куттил».

20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» телеўйини.

21.00 «Время».

21.35 «Бизнес-ревью».

21.40 «Экипаж».

22.10 «А. Малинин иштирокидаги концерт дастури».

23.10 «ТВ-4да Немис тўлкини».

23.30 «Юлдузлар фабрикаси».

24.00 «Ахборот» (рус тилида)

00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

16.55 гача профилактика ишлари. 6.55 гача профилактика ишлари. 16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати. 17.40, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Тубсизликдан келган ёвуз одам». 19.30 «Ошиқона» муסיқий дастури. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Хавфли худуд». 23.15 «30-канал»да спорт.

## Seshanba

3

## «Ўзбекистон» телеканал

Халқаро поғиронлар куни

5.30 «Рамазон тухфаси».

5.50 «Учқора». Телефильм.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00 - 8.40 «Ахборот».

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Соз сеҳри».

9.20 «Соғлом она - соғлом бола».

9.40 «Рангин дунё».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар

10.05 «Мулк».

10.20 Кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари». Республика турнири.

10.50 «Виждон».

Телесериал. 6-қисм.

11.30 «Париси бор уй».

11.50 ТВ клип.

12.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».

12.25 «Меҳр қолур».

12.45 «Спорт, спорт,

спорт».

13.00 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».

14.10 «Сийёсат оламида».

14.30 «Жив ва Вустер». Телесериал.

15.20 «Кўшиқ билан кўраман оламни».

15.40 «Ватанимга хизмат қиламан».

16.40 «Рамазон тухфаси».

**«Болалар сайёраси»:** 17.00 «Сеҳрланган бола». Мультифильм.

17.40 Муסיқий танаффус.

18.10 «Барқамол авлод орзуси».

18.30 «Инсон ва қонун».

18.50 «Мумтоз наволар».

19.05 «Тафсилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Солиқ ва биз».

21.25 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

21.55 «Рамазон тухфаси».

22.15 «Кўшиғимиз Сизга армуғон».

22.35 «Олам футбол».

23.00 «Мувозанат».

23.20 «Ахборот-дайжест».

23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» почтаси.

9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультисериял. 11-қисм.

9.45 Муסיқий лаҳзалар.

9.55 ТВ-анонс.

10.00 «Эсмеральда». Телесериал.

10.30 Бизнес-академия.

10.45 «2000 йилдан сўнг». Сериал.

11.05 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.

11.20 Жаҳон жуғрофия-си.

12.10 Ёшлар овози.

12.30 Кўҳна оҳанглар.

12.45 Куёшли юрт одамлари.

13.05 Интерфутбол.

14.45 «Кусто командасининг сув ости сарғузаштлари». Телесериал.

15.35 ТВ-саёҳат.

15.55 «Полиция комиссари». Телесериал.

16.45 Кўрсатувлар дастури.

16.50 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».

17.10 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультисериял. 12-қисм.

17.20 ТВ-анонс.

17.25 Бугуннинг ёшлари.

17.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.

18.00 Ёшлар овози.

18.20 Автопатруль.

18.40 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Кўҳна оҳанглар.

19.55 Давр-интервью.

20.10 Марди майдон.

20.30 Ёшлик наволари.

20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар

20.55 «Эсмеральда». Телесериал.

21.30 Мунозара.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Нокаут».

23.35 Давр.

23.50 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.

00.15 - 00.20 «Хайрли тун!»

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 26-қисм.

17.45, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 Болажонлар экрани.

18.15 «Спорт ва болалар».

18.30, 20.30, 21.10, 22.20 «Пойтахт».

Ахборот дастури.

18.50 «Ҳимоя».

19.30 «Мумтоз наволар».

20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».

21.30 «Туризм ҳақида».

22.45 Кинонигоҳ «Сибирлик сартарош».

1-қисм.

23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ 17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.

17.50 «Вести».

18.05 «Евроњьюс» янгликлари.

18.20 Машхурлар. Клара Румянова.

19.00 «Оилавий ришта-лар». Сериал.

19.55 «Сунги қаҳрамон-2».

21.00 «Время».

21.40 «Бизнес-ревью».

21.45 Кинематограф.

«Коломбо». Бадийий фильм.

22.55 «Кулгу хонаси».

23.30 «Юлдузлар

фабрикаси».

24.00 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида)

00.10 «Ахборот» (рус тилида)

00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 Дам олиш кўрсатуви. 11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал. 12.00 «Гараж». Комедия. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал»да спорт. 16.50 Шоу соати. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Кўнғир сочли Соня». 19.30 «Ошиқона». Муסיқий дастур. 19.45 «Бригада». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Иккиёқлама портлаш». 23.15 Рестлинг титанлари.

## Chorshanba

4

## «Ўзбекистон» телеканал

5.30 «Рамазон тухфаси».

5.50 «Паҳлавон Маҳмуд». Телефильм.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.40 «Ахборот».

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қушлар».

9.15 «Нафосат гулшани».

9.40 «Тафсилот».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар

10.05 Алифбо сабоқлари.

10.25 «Виждон».

Телесериал. 7-қисм.

11.15 «Инсон ва қонун».

11.35 «Симфоник муסיқа дунёси».

11.55, 17.00 ТВ анонс.

12.05 Болалар учун. «Фламинго».

12.25 «Барқамол авлод орзуси».

12.45 «Солиқ ва биз».

13.05 Эстрада тарона-

лари.

13.30 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Остонаси тиллодан».

14.30 «Жив ва Вустер». Телесериал.

15.20 «Ягона оилада».

**«Болалар сайёраси»:** 15.50 1. «Болалиқнинг мовий осмони». 2. «Мактублар - кабутарлар».

16.40 «Рамазон тухфаси».

17.05 «Ёшлик шиддати». Спорт дастури.

17.25 «Елгончилар қасри». Мультифильм.

17.40 «Хунарманд».

18.10 «Ажаб саодат эрур». Бадийий-публицистик кўрсатув.

18.30 «Умид». Телелотерея.

19.00 «Бир жуфт кўшиқ».

19.10 «Мулк».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Парламент вақти».

21.25 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

21.55 «Рамазон тухфаси».

22.15 «Довруғи дoston санъатим».

**Спорт дастури:** 22.55 1. Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнири. 2. «Спорт, спорт, спорт».

23.30 «Ахборот-дайжест».

23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».

9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультисериял. 13-қисм.

17.40 Далил ва шарҳ.

17.55 Чемпион сирлари.

18.15 Ракурс.

18.35 Каталог.

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.

11.00 «2000 йилдан сўнг». Сериал.

11.20 Олов билан юзма-юз.

11.35 Ёшлар овози.

11.55 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1. «Нокаут» 2. «Теннис».

13.00 Бугуннинг ёшлари.

13.20 Автопатруль.

13.40 «Кусто командасининг сув ости сарғузаштлари». Телесериал.

14.30 Кўҳна оҳанглар.

14.45 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

15.35 Мунозара.

15.55 «Полиция комиссари». Телесериал.

16.45 Кўрсатувлар дастури.

16.50 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

17.10 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультисериял. 13-қисм.

17.20 Болажон.

17.35 ТВ-анонс.

17.40 Далил ва шарҳ.

17.55 Чемпион сирлари.

18.15 Ракурс.

18.35 Каталог.

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 Кўҳна оҳанглар.

19.45 Очил дастурхон.

20.00 Спортлото.

20.10 Озод юрт фарзандлари.

20.25 «Ер ишқи».

Муסיқий дастур.

20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар

20.50 «Эсмеральда». Телесериал.

21.25 Ватан ҳақида кўшиқ.

21.30 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан «Буюк келажак пойдевори». Видеофильм премьераси. 1-қисм.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:

23.55 Давр.

1.00-1.05 «Хайрли тун!»

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал:

«23,5 даражали бурчак остида». 27-қисм.

17.45, 19.20, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 «Муסיқий меҳмонхона».

18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Ф.Тошматов.

19.40 «Аёл қалби».

20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».

21.30 «Умр йўлдоши».

22.45 Кинонигоҳ «Сибирлик сартарош».

2-қисм.

24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ-СИ 17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.

17.50 «Вести».

18.05 «Евроњьюс» янгликлари.

18.20 Е. Петросяннинг «Кулгу хонаси».

19.00 «Оилавий ришта-лар». Сериал.

20.00 «Рус рулеткаси».

Телеўйин.

21.00 «Время».

21.40 «Бизнес-ревью».

21.45 «Жаҳон бўйлаб».

22.30 «Жонли табиат».

22.45 «Форс мажор».

23.30 «Юлдузлар фабрикаси».

24.00 «Ахборот» (рус тилида)

00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Яхши кайфият». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал. 12.00 «Кароқчи чоллар». Комедия. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-канал»да спорт. 16.50 Шоу соати. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Кўркув ўйи». 19.30 «Ошиқона». Муסיқий дастур. 19.45 «Тайга». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Башорат». 23.15 Спорт дастури.

## Payshanba

5

## «Ўзбекистон» телеканал

5.30 «Рамазон тухфаси».

5.50 «Куёшли ўлкам». Телефильм.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.40 «Ахборот».

8.40 Газеталар шарҳи.

**«Болалар сайёраси»:** 9.00 1. «Болалиқнинг мовий осмони». 2. «Мактублар - кабутарлар».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар

10.05 «Мулк».

10.20 «Виждон». Телесериал. 8-қисм.

11.10 «Ўзбекистон бастакорлари».

11.30 «Парламент вақти».

11.50, 13.55 ТВ клип.

**Спорт дастури:** 12.05 1. Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнири. 2. «Спорт, спорт, спорт».

12.40 «Довруғи дoston санъатим».

13.20, ТВ анонс.

13.25 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Ажаб саодат эрур».

14.30 «Жив ва Вустер». Телесериал.

15.20 «Депутат».

**«Болалар сайёраси»:** 15.40 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Болалар ва катталар».

16.40 «Рамазон тухфаси».

17.00 «Озод юрт одамлари».

17.20 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тулпорим». Премьера.

17.30 «Орзулар қанотида».

17.50 Муסיқий танаф-

фус.

18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».

18.30 «Яхши ният». Телелотерея.

19.00 «Ҳаёт қомуси». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги олдидан.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Рамазон ҳайитингиз муборак!».

21.35 Телемулқот:

«Ўзбекистон ташқи иқтисодий сийёсатининг долзарб масалалари».

22.15 «Кўшиғимиз сизга армуғон».

22.40 «Рухият манзаралари».

23.00 «Соғлом авлод учун» жамғармаси соврини учун бадий гимнастика бўйича Республика турнири.

23.20 «Ахборот-дайжест».

23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультисериял. 13-қисм.

9.45 Болажон.

10.00 Муסיқий лаҳзалар.

10.10 ТВ-анонс.

10.15 «Эсмеральда». Телесериал.

10.45 Спорт-китъаси (рус тилида)

11.10 Чемпион сирлари (рус тилида)

11.30 «2000 йилдан сўнг». Сериал.

11.50 Ракурс.

12.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан «Буюк

келажак пойдевори». Видеофильм. 1-қисм.

12.30 Болалар экрани: «Мультимоша».

13.00 Далил ва шарҳ.

13.15 Интерфутбол.

14.55 Кўҳна оҳанглар.

15.05 Мунозара.

15.25 У



**Зулфия мукофоти номзодлари**

**БИР ШЕЪР ЁЗСАМ,  
ЭЛГА МУНОСИБ**

**Истеъдод жой танламайди. Баҳор эшик қоққанда, қорларни тарс ёриб ниш урган бойчечакка кўзингиз тушганми? У қувонч элчиси, шодлик элчиси, юз очгучи гулзорлар номидан келган элчи. Элчига эса, ўлим йўқ! У бор гапни айтади.**

Шоира эса кўнгилинг элчиси. Зеро, кўнгилинг кўнгилингдан сув ичади. Наима Абдурахмонова Паркент туманида ўсиб, камол топаётган ёш шоира. У 10-ўрта мактабнинг 10-синфида ўқийди. Аммо, Наима «Кўзларимда дунёнинг акси» номли илк шеърий

тўпламини чоғ этишга улгурди. Ёш шоиранинг шеърларида юртга ёшиқ фарзанднинг тийрак нигоҳини уқасиз. Гулнинг рангидан, райхон уфоридан, булбул ноласидан шоира ўзига хос тарзда таъсирланади. Шоира фақатгина бахт куйчиси эмас, у ушалмаган ар-

монлар ҳам куйчиси. Зеро, эртанги кун бизга ҳаммиша гўзал кўринади. Эртанги кун орзулари бизни доимо янги манзилларга чорлаб туради. Наиманинг шеърларини ўқиб, сиз буни дил-дилдан хис қиласиз.

Муҳтарам Юртбошимизнинг ёшларга ғамхўрлиги ифодаси бўлиб, юртимиз тарихига кирган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши ва бу мукофот билан ижодкор қизларимизнинг тақдирланиши катта воқеадир. Вилоятимизнинг эрка шоира кизи Наима Абдурахмонова ҳам бу юксак мукофотга номзод сифатида тавсия этилди.

Куйида шоира қизимизнинг ижодидан намуналарни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

**ШОИР ЮРАК**

*Шоир эди митти юрагим,  
Райхонларга ўргатардим шеър.  
Шивирлашию хазонлар саси,  
Тинглар эди мени она ер.*

*Тингла, дея қизил гунчага,  
Шоирлигим кўз-кўз этардим.  
Лолалару баҳору шеърда  
Эди мени у чоғ эс-дардим.*

*Хисларимни жиловлаб олмай,  
Ўз эркига кўярдим дилни.  
Куйлар эдим ўз номи билан  
Сатрларда ҳар бир фасли.*

*Энди эса болалигимга  
Термулганча ўйга толаман.  
Соғинаман уни ва қалбни  
Қайта-қайта ўтга соламан.*

**БАҲОРИМ**

*Соғинч саҳросида энтикар юрак,  
Далда бўлолмайди дилда наҳорим.  
Менга малоҳатли риёзат керак,  
Қошимда турибсан ҳайрон, баҳорим.*

*Ёмғирлар етаклаб келдилар сени,  
Бойчечак шеваси кулдилар сени,  
Улдирса, хуш онлар ўлдирар мени,  
Кўнглимда гуллаган исён, баҳорим.*

*Муҳаббат тимсоли вафосан ўзинг,  
Гуллар юзидаги ҳаёсан ўзинг,  
Учратмоқ маҳолдир сендайин дўстни,  
Ишон сўзларимга, ишон, баҳорим.*

**АРМОН**

*Ҳамдард излай чарчадим, толдим,  
Қумрилар йўқлаган боғларда хазон.  
Соғинч саҳросида қум бўлаёдим,  
Улғаяр кундан-кун кўнглимда армон.*

*Ёмғир ёғар, кўздаги ёшим  
Ойнинг доғларини ювиб кетмайди.  
Бахтнинг парилари огритмас бошим,  
Юрак фиғонлари тугаб битмайди.*

*Бир замон қарасам, оқариб сочим,  
Кўнглим бир баҳорни излайверади.  
Лек, ўтган кунларим оҳларин сочим,  
Теграмда булбулдек бўлайверади.*

**ЁШЛИК**

*Ойдин оқшом чўкди, жим-жит коинот,  
Бир майда шаббода уриллар юзга.  
Самода юлдузлар чиқариб қанот,  
Ял-ял ёниб ҳамроҳ бўлади бизга.*

*Кетмоқдамиз ойдин оқшом кўйида  
Кетмоқдамиз кўм-кўк далалар томон,  
Бир зум ўйга толдим соғининг бўйида,  
Тўққинлар шошмоқда қайгадир ҳамон.*

*Муаззам оқшомга бўлиб маҳлиё,  
Чувалашиб кетди ўйларнинг бари.  
Ёшлик, сен Тангрининг бизларга берган  
Энг инжа, энг гўзал, тотли асари.*

**Наима АБДУРАҲМОНОВА.**

**2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили**

**Қарияларни қадрлаш йили ҳақиқий маънода унутилмас воқеаларга бой бўлаяпти. Мамлакатда миллий истиқлол тантанаси учун курашган, жамиятни тубдан янгилаш жараёнларида фаол қатнашаётган азиз ва мукаррам қарияларимиз эҳтиром кўриб, қадр топмоқдалар.**

Таниқли устоз журналист Исмоил Сулаймоновнинг «Эл ардоғида» очерклар тўплами ҳам фахрийларга эҳтиром кўрсатиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг бир кўриниши бўлди. Китоб

ИСМОИЛ СУЛАЙМОНОВ

**ЭЛ АРДОҒИДА**



**ЭЛ АРДОҒИДАГИЛАР  
ҲАҚИДА  
РИСОЛА**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан яқинда чоп этилди.

Муаллифнинг мустақил мамлакатимиз камолига муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Алланиёз Ўтениёзов, кексайганда ҳам ажойиб ташкилотчилик салоҳияти намён бўлаётган Турсун бобо Эргашев, истеъфодаги генерал Гофур Раҳимов, ажойиб инсон Николай Тимофеевич Молдованов, Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова ҳақидаги очерклар ҳаётий лавҳаларга бой, ниҳоятда жозибали ёзилган. «Иброҳим фермер», «Ота берган тумор», «Бизга ҳам сизнинг йўлингизни берсин» очеркларининг қаҳрамонлари инсонлар тақди-

рида ўчмас из қолдирган устозлар, жамоатчилик орасида катта обрў-эътиборга лойиқ меҳнат фахрийлари ҳақида. Муаллиф ўз қаҳрамонлари ҳақида самимий, чин дилдан ҳикоя қилади ва шу сабаб барча асарлар қизиқиш билан ўқилади.

Китоб мамлакатимиз равнақи, юрт тинчлиги ва ободончилиги учун курашга ҳаётини бахшида этган кекса авлоднинг ибратли ишлари ҳақида ёрқин ҳикоя қилиб, ёшларга Ватан ва халққа қандай хизмат қилиш лозимлиги ҳақида сабоқ беради.

**Ю. ЖУМАНИЕЗОВ**

**"Фармация-2002"**

**"Ўзэкспомарказда" доривор препаратлар ва тиббиёт буюмларининг "Фармация-2002" анъанавий учинчи республика ярмаркаси очилди. "Ўзфармсанот" давлат акционерлик концерни томонидан ўтказилаётган ушбу ярмаркада 50 дан ортиқ фармацевтика компания ва фирмалари иштирок этмоқда.**

Мазкур ярмаркада корхоналар ишлаб чиқараётган товарлар билан бир қаторда фармацевтика соҳасидаги янгиликлар, доривор хомашё, моддий-техника ресурслари, асбоб-ускуналар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришга доир тақлифлар ҳам тақдим этилган.

Ярмаркада "Ўзфармсанот" давлат акционерлик концернининг барча тузилмавий бўлиналари, яъни "Ўзкимфарм", "Ўзбиофарм" очик турдаги акционерлик жамиятлари, шунингдек, "Корфармсанот", "Сурхон Ажанта ЛТД", "ЎзФармакер", "FPI-Тошкент" ва "Сарбонтекс" каби қўшма корхоналар ҳам фаол иштирок этмоқда. Шу билан бирга, ярмаркада илмий-тадқиқот институтлари ҳам қатнашиб, ҳаётий зарур дори-дармонлар ишлаб чиқариш борасидаги янги ишланмаларини намойиш этмоқда. Бундан ташқари, "Берлин Хеме" (Германия), "Иннотек Интернейшнл" (Франция), "Лек" (Югославия), "Доктор Обидий" (Эрон) каби хорижий фармацевтика компаниялари ва бошқа кўплаб хусусий корхоналар ярмаркада иштирок этипти.

**ЎЗА.**

**1 декабрь – Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни**

**AIDS**

**Асримиз вабоси – ОИТСга қарши кураш бугунги кунда бутун дунё олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Ҳозир жаҳондаги барча мамлакатларда бу хавфли касаллик бўйича ноҳуш эпидемиологик вазият сақланиб турибди.**

Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги биносида Ибн Сино халқаро жамғармаси, Саломатлик институти вилоят бўлимлари ва вилоят ОИТС маркази мутахассислари иштирокида ўтказилган анжуманда ана шу ҳақда гап борди. «Яша ва бошқаларга ҳам яшашга имкон бер» мавзuida уюштирилган мазкур тадбирда эпидемиолог, нарколог, гематолог, тери-таносил касалликлари шифокорлари, тумандаги соғлиқни сақлаш тизими ва турли жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

– Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, – деди анжуманда Саломатлик институтининг вилоятимиздаги филиали бўлим мудири Саида Юнусова, – орттирилган иммун танқислиги вируси билан за-

**ЙЎЛИНИ  
ТЎСМОҚ КЕРАК**

рарланганлар сони бугунги кунда олтмиш уч миллиондан ортган. Ҳар йили дунё бўйича беш миллиондан зиёд фуқаро мана шу бедаво касалликка чалинмоқда. Шу вақтгача бундай хасталиқдан 25 миллиондан зиёд киши оламдан кўз юмган. Гиёҳвандлик ва ОИТС каби иллатлар чангалига тушиб қолаётганлар сони тобора ортиб бораёпти. Дунё миқёсидаги маълумотларга қараганда, ОИВ ни юқтирганларнинг қарийб 60 фоизини 15 ёшдан 25 ёшгача

бўлган ёшлар, 10 фоизини 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Бу эса, таълим-тарбияда янада самарали услуб ва воситалардан фойдаланишни та-

қозо этаётир. Мамлакатимиз ушбу касаллик инфекцияси тарқалиш даражаси паст бўлган давлатлар сирасига киради. Айни пайтгача мингдан ортиқ ана шундай бемор рўйхатга олинган. Уларнинг ярмидан кўпини гиёҳвандлар ташкил этади.

Тадбирда сўзга чиққан ОИТС маркази мутахассислари Муяссар Ҳикматова, Бахтиёр Собиров, Светлана Колемаёва, Саломатлик институти Тошкент вилояти филиали услубиётчи

шифокори Фариди Комилова, туман саломатлик маркази бош шифокори Нилуфар Дехқонбоева ва бошқалар юртимизда ОИТС тарқалишига қарши кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилаётганлигини таъкидлашди. Улғайиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялашга катта эътибор берилаяпти. Уларнинг жаҳон талаблари даражасида билим ва малакага эга бўлиши, замонавий техника ва технологияларни мукамал эгаллашига етарли шароит яратилмоқда. Йигит-қизларни турли зарарли иллатлар таъсиридан асраш мақсадида маҳалла, мактаб, оила, кенг жамоатчилик ролини ошириш доимий эътиборда. Мамлакатимизда 200 дан кўпроқ ишонч пунктлари ташкил этилган. У ерда маслаҳат, ахборот, тозаловчи воситалар олиш ҳамда шприц, игналарни алмаштириш мумкин.

Анжуманда ОИТС касаллиги тарқалишининг олдини олишда янада самарали усул ва воситалардан фойдаланиш, бу борада миллий ва умумбашарий қадриятлар акс этган урф-одатларимизни ёшлар ўртасида кенг кўламда тарғиб ва ташвиқ этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

**Убайдулла ҲИКМАТОВ.**

# Xalq va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
so'nggi  
xabarlar



## СЕРБИЯ:

### ҚАЙТА САЙЛОВ БЎЛАДИ

Ўтган ой Сербияда президент сайлови бўлиб ўтган эди. Аммо овоз беришда сайловчилар кутилганидан ҳам оз қатнашгани боис унинг натижаси бекор қилинди. Энди 8 декабрь куни қайта сайлов бўлади. Номзодлар рўйхатида уч кишининг номи бор. Югославиянинг амалдаги президенти Воислав Коштуница, Сербия радикал партияси раҳбари Воислав Шешел ва Бирлик партияси етакчиси Борислав Пелевич президентлик курсиси учун курашади. Гарчи, ўтган сайловда 11 нафар номзод қатнашган бўлса-да, асосий кураш икки демократ - В.Коштуница билан бош вазир ўринбосари Миролуб Лабус ўртасида кечганди. Бу гал эса турли партиялар вакиллари курашади.

## КАМБОЖА:

### ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

Камбожа 1975-1979 йиллар оралиғида мамлакатда юритган зўровонлик сиёсати учун «Кизил кхмерлар»нинг собиқ йўлбошчилари устидан халқаро трибунал чақиришда БМТ билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини маълум қилди. Мамлакат бош вазири Хун Сен куни шу ҳақда баёнот берди. Жиноят жазосиз қолмаслиги, бир кун келиб адолат қарор топиши азалдан маълум. Бинобарин, «Кизил кхмерлар» раҳбарлари ҳам қилган жинояти учун жавоб бериши аниқ.

## ИРОҚ:

### ТЕКШИРУВ БОШЛАНДИ

Чоршанба куни БМТ нозирлари Ироқда текширув бошлаб юборди. Хабарларга қараганда, дастлабки ишлар халқаро нозирлар кутганидек яхши ўтган. Яъни, уларнинг ҳаракати-га Ироқ томонидан ҳеч қандай моненьлик кўрсатилмаган. Бу эса Бағдоднинг халқаро ҳамжамият билан яқин ҳамкорлик қилаётганини билдиради. Буни БМТ нозирлари раҳбари Ханс Бликс ҳам таъкидлади. Халқаро атом энергетикаси агентлиги ишчи гуруҳининг раҳбари Жак Боте унинг сўзларини тасдиқлаб, кузатувчилар ҳеч қандай тўсиққа дуч келмагани ва яхши кутиб олинганини маълум қилди.

## ФИКР РАД ЭТИЛДИ

Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР) ҳукумати Оқ уй томонидан Пхеньянинг биологик ва кимёвий қуролга эга эканлиги ҳақида билдираётган фикрини кескин рад этди. Шимолий Кореядаги воқеалар кўшни Жанубий Корея ҳамда Япония ҳукумати ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Хусусан, Япония вазирлар маҳкамаси бош котиби Ясуко Фукуданинг таъкидлашича, Пхеньянинг ядро қуролга эга бўлиши икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига ҳамда минтақада кескин вазиятни юзага келтиришига сабаб бўлади. Бу фикрни сайёра-мизда тинчлик ва барқарорлик бўлиши учун қайғураётган ҳар бир мамлакат қўллаб-қувватлаши аниқ.

## Шарҳловчи минбари

# УММОНДАГИ ҚОРА ДОҒЛАР

Юк кемаларининг ҳалокатидан атроф муҳитга етаётган зарар табора ортиб бормоқда. Баъзан телевизор экранидан қанотлари қора мойга белиниб учолмай ётган қушларни кўриб қоламиз. Сув нефт билан булғангани туфайли улар ўлимга маҳкум. Бундай аянчли тақдир яна қанчадан-қанча денгиз мавжудодларининг ҳам бошига тушади.

Ўтган ҳафта Атлантика океанининг Испания соҳилига яқин қисмида содир бўлган ҳалокат йирик экологик фожеани юзага келтирди. "Престиж" танкери қоқ ўртасидан бўлиниб кетди. Унга 66 минг тонна нефт юкланган эди. Танкердан тўкилган катта миқдордаги нефт айниқса сув дунёси учун улкан фожеа келтирди. Испания тараққиёт ва зирлигидан маълум қилинишича, ҳозир тўкилган нефт "доғи" бир неча ўнлаб километрлик ҳудудни эгаллаган.

Кема сардорининг айтишича, танкерга аввал йўқотилган, океанда бошқарувсиз қолиб, пала-партиш сузиб юрган контейнер келиб урилган.

"Престиж" фарқ бўлди. Бирок ундан ҳамон нефт оқиб чиқаётди. Эндиги вазифа нефт сизиб чиқишига йўл қўймаслик ва сув юзасини қора доғлардан тозалашдир. Фожеадан кейинги дастлаб-




ки кунлари нефт тозаловчи махсус кемалар об-ҳаво ёмонлиги боис океанга чиқа олмади. Бу вазиятни баттар ёмонлаштирди. Айни пайтда фожеа рўй берган жойга Германия, Буюк Британия, Голландия, Белгия ва Франциядан қўшимча кемалар жўнатишган.

Экологларнинг диққат-этибори Испания соҳилига қаратилган пайтда, Сянгандан (Гонконг) ҳам ноҳуш хабар келди. Панамага қарашли "Газ Поэм" танкеридан ёнгини содир бўлди. Хитой ўт ўчирувчилари туни билан ёнгини бостиришга ҳаракат қилди. "Газ Поэм"да 20 минг тонна суолтирилган газ бор эди. Табиийки, ёнгини бартираф этилмаса, кемада кучли портлаш юз бериши мумкин. Шу боис ўт ўчирувчилар ёнгини газ сақланаётган бўлмаларга йўлатмасликка ҳаракат қилмоқда.

Ўтган ҳафта юз берган ҳодисалардан яна бири бу гал яна Хитой соҳилига тегишли бўлди. Шанба куни Бохай кўлига Хитойга қарашли кема Малта танкери билан тўқнашиб кетди. Оқибатда танкернинг бир бўлмасида тешик пайдо бўлди ва ундан нефт сизиб чиқа бошлади. Сўнгги хабарларга қараганда, Тяньцзин шаҳри соҳилида ёйилган нефт доғи тўрт километрга чўзилган. Хайриятки, Хитой денгиз хизматининг тезкор ҳаракати туфайли йирик экологик фожеанинг олди олинди.

Сайдмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.



Гавай оролларида кўпчилик боришни хоҳлайди.

## ОЛИМЛАР ОҒОҲЛАНТИРИШИЧА




Швед олимлари картошка чипсилари ва фрилари ҳамда тановул қилиш тўла одат бўлиб қолган айрим маҳсулотлар саломатлик учун хавfli бўлиши мумкин, деб оғоҳлантиришпти. Стокгольм университети тадқиқотчилари шуни

аниқладиларки, карбон сувлари кўп бўлган маҳсулотлар қовурилганда, асаб захри деб аталувчи акриламид ҳосил бўлади. Бу кимёвий модда рақнинг ривожланишига ёрдам бериши мумкин. Ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотларида акриламид бўлиши ман қилинмаган. Бирок, швед олимлари уни истеъмол қилишнинг хавфсиз миқдори жуда кам — кунига бир микрограммдан ошмаслиги керак демоқдалар. Шундай бўлгач, ҳар куни икки-уч граммдан картошка фрисини истеъмол қилиш етарлидир.

## ХУШХҲҲР ХРИЗАНТЕМАЛАР

Япониядаги баққоллик дўконидан хризантема сотилаётганини кўрган киши сира ажабланмайди. Чунки, бу мамлакатда хризантемалар яхши озукавий маҳсулот ҳисобланади. Йиғиб олинган гуллар қайнатилиб, сирка пуркалади ва шакар сепилади. Қарабсизки хушхўр таом тайёр. Кика, яъни хризантемалардан юзлаб хил таом тайёрлаш усуллари бор. Чунки, хризантема японлар наздида ёшлик ва саломатликни сақлаш воситаси ҳисобланади.




## КИТЛАР ҲАМ ГРИПП БЎЛАДИ

Ўтган йилнинг декабрида Массачүет штатидаги Кейпкорд ярим ороли ўнлаб китларнинг мозорига айланди. Жасақларни текшириб кўрган олимлар китлар грипп билан хасталанган деган хулосага келишди. Бу касаллик аломатлари китларда авваллари ҳам учраган. Энди бу вируслар барча улкан денгиз ҳайвонларида борлигига мутлақо шубҳа қолмади.

## ЁВВОЙИ ЎТЛАРГА ҚАРШИ

АҚШнинг Иллинойс университети ўсимликлар физиологияси лабораторияси мутахассислари ёввойи ўтларга қарши курашнинг янги усулини тажрибадан ўтказишди.

Тунда улар ёввойи ўтларга ёруклик сезгисини оширувчи модда пуркашади, тонг отиб, кўёш чиққанда, бу моддалар ўз таъсирини кўрсатади. Ана шу тарих зараркунда ўт қурийд. Бу модда таркибидаги аминокислота эса, атроф муҳитга мутлақо зарарсиздир.



Ўзбекистон  
сайёҳлиги Германия  
жамоатчилиги  
нигоҳида

Германия пойтахтининг марказий кўрғазмалар мажмуаси — "Мессе Берлин"да "Берлинер райзе-маркт" сайёҳлик кўр-газмаси бўлиб ўтди. Унда 15 мамлакатдан 250дан зиёд сайёҳлик компания ва фирмалари вакиллари иштирок этди.

Кўрғазманинг биринчи иш кунда Ўзбекистоннинг шу соҳадаги салоҳиятлари тақдироти бўлди.

Сайёҳлик бўйича Германия бирлашмаси президенти доктор Линде тақдирот маросимини очар экан, "ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон мероси рўйхатига киритилган Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ва Хива каби дурдона шаҳарлари ва ўзбек халқининг тарихий ва маънавий мероси Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан, шу жумладан, Германиядан янада кўпроқ сайёҳларни жалб қилувчи муҳим омил бўлмоқда", - деди.

Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Владимир Норов ўз чиқишида мустақил ва бетакдор маданияти билан фарқланган айнан ҳозирги Ўзбекистон заминини бир неча асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини боғлаган кўприк вазифини ўтаган, деб таъкидлади.


Миллий руҳда безатилган Ўзбекистон павильони минтақамиз давлатларига ажратилган махсус майдонда марказий ўринни эгаллади. Бу ерга ташриф буюрганларга нафақат суратлар мажмуаси, акборот нашрлари, халқ ҳунармандчилиги махсулотлари, мамлакат ичидаги сайёҳлик марказ ва йўналишларини акс эттирувчи турли адабиётлар билан танишиш, балки республиканинг диққатга сазовор жойлари, ўзбек давлатининг вужудга келиши ва ривожланиши ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмларни томоша қилиш имконияти ҳам яратилди.

Ўзбек раққосаси Сўғдиёна Мансурхўжаева ихросидаги миллий рақслар ва "Ўзбекистон" ансамбли доирачиси Давронбек Акбарбековнинг юқори савиядаги маҳорати тадбирга алоҳида байрамона руҳ бахш этди.

Германияда чиқадиган "Франкфуртер альгемайне цайтунг" газетасида чоп этилган мақолада таъкидланишича, "Ўзбекистоннинг Берлинда ўтказиладиган йирик кўрғазмада иштирок этиши унинг сайёҳлик имкониятларига бўлган қизиқишнинг тобора ортаётганидан далолатдир".

Аслам АКБАРОВ,  
"Жаҳон" АА,  
Берлин.

Sport



СУРАТДА: 69 килограмм вазнлар орасида ғолибликка эришган спорт устаси Александр Скоробогатов. Александр ПАРШИН олган сурат.

Оғир атлетика

ВАКИЛЛАРИМИЗ УСТУНЛИГИДА ЎТДИ

Халқаро тоифадаги спорт устаси, собиқ жаҳон рекордчиси Эркин Каримов хотира соврини учун оғир атлетика бўйича вилоят очиқ чемпионати бўлиб ўтди.

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамда вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташаббуси билан ташкил этилган мусобақалар уч кун давом этди. Унда Тошкент шаҳри, Андижон ва Фарғона вилоятлари вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Етакчи оғир атлетикачилар республика кубоги мусобақларида қатнашиш учун Самарқанд шаҳрига жўнаб кетган бўлишлари қарамай, беллашувлар қизгин ва муросасиз кечди. Вакилларимиз кўпгина вазнларда муваффақиятли қатнашиб, вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Натижада

вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби жамоаси вилоят очиқ чемпионати ғолиби бўлди. Фахрли иккинчи ўрин ҳам вакилларимизга — вилоят жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг олимпия заҳиралари спорт мактаби талабаларига насиб этди. Тошкент шаҳрининг «Ёшлик» спорт жамияти совринли учинчи ўринни эгаллади.

Вилоятимиз вакилларидан Ч. Алимов, И. Иноғомов, А. Скоробогатов, З. Бибарцев ўз вазн тоифаларида вилоят чемпиони унвонини қўлга киритдилар.

Ибратнома

— Нега бундай қилдинг, ёлғон гапирганингда олтинларингни сақлаб қолардинг-ку, — деди. Бола кулимсираб:

— Ҳеч ёлғон гапирмайман деб, онамга сўз берганман, — деди донна-донна қилиб.

Кўзлари қон ва гуноҳга фарқ бўлган қароқчиларнинг бошлиғи диққат ва синовчан бир назар билан болага тикилди. Боланинг юзидаги беғубор соддалик, кўзларида чакнаб турган покизаликни кўрди. Бирдан қароқчининг кўзи очилди, қаҳр ва нафрат уфуриб турган юзига маъсумлик ёйилди. Хайрат ва ҳаяжондан кўзларидан икки томчи ёш сизиб чиқиб юзига окди. Мехрибонлик билан:

— Қаранглар, бу бола биргина онасига берган сўзида туриб, унга вафо қилмоқда. Мен эса неча йиллардан бери одамларга жабру ситам қилиб келаман. Бу йигитча менинг ҳалоскорим бўлди, мен барча разил ишларимдан тавба қиламан! — деди.

Шунда қалби, қаҳри тошдек қаттиқ бошлиқларининг гапларидан таъ-

сирланган қароқчилар:

— Шу кунга қадар йўл тўсиб, одам ўлдириб, қароқчилик қилишда йўлбошчимиз эдинг, энди гуноҳларимизга тавба қилиш ва яхши, хайрли ишларда ҳам бизга ўзинг бош бўл, — деб хайқирдилар.

Бошлиқларининг буйруғи билан карвонда кимдан нима олган бўлсалар қайтардилар, карвон эсон-омон йўлида давом этди. Қароқчилар қилган ёмон ишларидан пушаймон бўлдилар ва энди одамларга фақат яхшилик қилишга интилдилар.

Қаранг-а, бир боланинг онасига берган сўзида турганлиги бутун бир карвондаги одамларнинг моллари ва жонларини омон қолишига, қазиб қароқчиларнинг кўзлари очилишига сабаб бўлди. Бу тўғри сўзлик ва сўзга содиқликнинг фойдаси ва мукофотидир.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

Қадимда бир бева аёл ёлғиз ўғли билан бирга яшар экан. Боласи ўн ёшга тўлганда, узоқ юртларга бориб ўқишни ҳавас қилди. Онаси фарзандидан айрилиши қийин бўлса ҳам, вақтини бекор ўтказганидан билим олгани яхшироқ деган андишада ўғлини сафарга ҳозирлаб, тўни ичига қирқ олтин тикиб қўйди ва «Узоққа кетяпсан, қийналсанг, режа билан ишлатарсан», деди.

Кетар чоғида онаси: — Ўғлим, ҳеч ёлғон гапирма. Ота-боболаримиз: «ёлғон барча ёмонликларнинг бошидир», деганлар. Ҳамиша тўғри бўл, тўғрилиқдан айрилма, — деб насиҳат қилди.

ҚАРВОННИ  
АСРАБ ҚОЛГАН  
СЎЗ



Шундан кейин она-бола хайрлашдилар. Ўғил карвонга қўшилиб йўлга чиқди. Бир муддат юрганларидан сўнг, карвон йўлини қароқчилар тўсди. Тала-тала бошланди, кўпчиликни ўлдирдилар. Қароқчилардан бири боладан нимаси борлигини сўради. Бола ёлғон гапирмаслик ҳақида онасига берган сўзини хотирлаб: «қирқ олтиним бор», деди. Қароқчи бу бола мени алдаяпти деб ўйлаб, ундан нари кетди. Салдан кейин бошқаси келди: «эй бола, қанча пулинг бор?», деб сўради. Бола яна ўша гапини қайтарди. Бу йўлтўсар болани қўлидан ушлаб бошлиқлари олдиға олиб борди ва «бу бола қирқ олтиним бор деяпти», деди. Қароқчилар бошлиғи «олтинларинг қани?» деб сўради. «Тўним ичига тикилган», деди бола. Шунда бош қароқчи қиличи билан тўнни пора-пора қилиб йиртиб ташлади, ҳақиқатдан унинг ичидан қирқ олтин чиқди. Қароқчилар бошлиғи хайрат билан:

Халқ табобати

БУГДОЙ

Бугдой дони қайнатмасини умуман қувватга киргизадиган ичимлик ўрнида табобатда буюрилади. Юқори нафас йўллари яллигланганида ва одамни қаттиқ йўтал тутиб турадиган маҳалларда бугдой кепаги қайнатмасини асалга аралаштириб ичилади. Баҳор кезлари бугдойдан кўп касалликлар-

нинг олдини оладиган шифобахш — сумалак пиширилади.

Замонавий табобатда гиперацид гастрит, меъда яра касаллиги билан оғриган беморларга алоҳида пиширилган нон махсулотлари буюрилади. Янги нон меъдадан шира ажралишини кучайтиради, қийинроқ ва секинроқ ҳазм бўлади, шу сабабдан уни меъда яраси бор касалларга маслаҳат берилмайди. Бугдой кепаги В гуруҳ витаминлари, клетчатка, минерал моддаларга жуда

бой, шу сабабдан ундан қабзият, семизлик, гипертония, ўт-тош касаллиги ва атеросклерозда кенг фойдаланилади.

Тайёрлаш усули: 200 грамм бугдой кепаги устига қайнаб турган сувдан 1 литр қўйиб, 1 соат мобайнида яна қайнатилди-да, кейин сузиб олинади; бу қайнатмани овқатдан олдин 1 стакандан кунига 3-4 маҳал ичилади.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ  
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Муассис  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Фатҳиддин  
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар:  
133-70-10, 136-53-80.

Манзилими:  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот кўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер  
марказида термиди ва  
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда да-  
лиллаларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.